

# **“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси: Термиз туманида долзарб 40 кунлик**



“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида навбатдаги дараҳт экиш акциялари Термиз туман Ички ишлар бўлимида ташкил этилди. Туман Ички ишлар бўлими бошлиғи Ўқтам Мустафоқулов ташаббуси билан бугун бўлим ҳудудида жойлашган бўш ер майдонларига манзарали дараҳт қўчатларини ўtkазиш ва мавжуд дараҳтзорларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Тадбир давомида юзга яқин манзарали дараҳт ва гул қўчатлари экилиб, мавжуд боғдаги дараҳт оралиқларига ишлов бериш, буташ ва шудгорлаш ишлари олиб борилди.

Жорий йил 20 октябрдан 1 декабргача ўтказилаётган “Долзарб 40 кунлик” давомида туманнинг барча ҳудудларида дараҳт, бута ва гул қўчатлари ҳамда кейинги йил баҳор мавсуми учун қаламчалар экиш ишлари олиб борилади.